

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тошкент ш. – г. Ташкент

22 февраль 2018 й.г.

№ 138

**Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг  
қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги  
тўғрисида гувоҳнома ва автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 февралдаги  
138-сон қарорига  
илова

**Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг  
қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги  
тўғрисида гувоҳнома ва автомототранспорт воситасини қайта  
жихозлашга руҳсатнома бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЙҲҲББ деб аталади) томонидан автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автомототранспорт воситасини қайта жихозлашга руҳсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**мурожаат этувчи** – автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома олиш учун мурожаат қилган тадбиркорлик субъекти, автомототранспорт воситасини қайта жихозлашга руҳсатнома олиш учун мурожаат қилинганда эса – мазкур автомототранспорт воситасининг эгаси (юридик ёки жисмоний шахс);

**автомототранспорт воситасини қайта жихозлаш** – бошқа модел ва модификацияларнинг агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи деталларидан фойдаланган ҳолда автомототранспорт воситаси конструкцияси ва таркибий қисмларининг элементларига ўзгартиришлар киритиш;

**автомототранспорт воситасини қайта жихозлашга руҳсатнома** (кейинги ўринларда руҳсатнома деб аталади) – автомототранспорт воситаси эгасининг аризасига асосан қайта жихозлашнинг аниқ тури бўйича бир марталик фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига бериладиган руҳсат этиш хусусиятига эга хужжат;

**автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома** (кейинги ўринларда гувоҳнома деб аталади) – тадбиркорлик субъектига автомототранспорт воситасини қайта жихозлаш ва (ёки) автомототранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукукини берувчи руҳсат этиш хусусиятига эга хужжат;

**автомототранспорт воситаси (қисми) таркибий қисмлари ва жихозлаш предметлари** – автомототранспорт воситасининг конструкциясига ўрнатиладиган ва фойдаланиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари татбиқ этиладиган агрегатлар, узеллар ва деталлар;

**тадбиркорлик субъекти** – гувоҳнома асосида автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомототранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ташкилот стандарти (Ts)** – автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашнинг аниқ тури ва (ёки) аниқ марка ва моделдаги автомототранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига белгиланган тартибда берилган хужжат;

**фойдаланишга оид хужжатлар** – автомототранспорт воситасидан фойдаланишда қўллаш учун мўлжалланган хужжатлар.

3. Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта жиҳозлашнинг мазкур турини амалга ошириш учун ушбу Низомга мувофиқ берилган гувоҳнома, қайта жиҳозлашнинг мазкур тури гувоҳномада мавжуд бўлмаган ҳолларда рухсатнома асосида амалга оширилади.

4. Номерли агрегатни (двигатель, шасси, кузов, рама) айни шу марка ва моделдаги автомототранспорт воситасиники билан алмаштириш ёки тайёрловчи ташкилотларнинг фойдаланишга оид хужжатларида назарда тутилган автомототранспорт воситасининг бошқа қисмини (қисмларини) алмаштириш автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ҳисобланмайди.

Бунда, номерли агрегат (двигатель, шасси, кузов, рама) айни шу марка ва моделдаги автомототранспорт воситасиники билан алмаштирилгандан кейин мазкур автомототранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилади.

Тайёрловчи ташкилотнинг фойдаланишга оид хужжатларида назарда тутилган автомототранспорт воситасининг бошқа қисмини (қисмларини) алмаштиришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши зарур.

5. Автомототранспорт воситасини тайёрловчи ташкилот томонидан номерли агрегатларга қўйилган маркировканинг ўзгариши ёки йўқолишига олиб келадиган тарзда қайта жиҳозлашга йўл қўйилмайди.

6. Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш тегишли гувоҳнома ёки рухсатномасиз амалга оширилган, шунингдек автомототранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисми тегишли гувоҳномасиз тайёрланган ҳолларда мазкур автомототранспорт воситаси фойдаланишга қўйилмайди.

## **2-боб. Рухсат этувчи талаблар ва шартлар**

7. Куйидагилар автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомототранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмини тайёрлашни амалга оширишдаги рухсат этувчи талаблар ва шартлар ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

ЙХХББ билан келишилган тегишли ташкилот стандарти (Ts) талабларига, қонун ҳужжатлари ва экология соҳасидаги норматив ҳужжатлар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мажбурий риоя қилиш;

тегишли ҳаракатни ва (ёки) белгиланган фаолиятни бажариш ёки амалга ошириш учун ишлаб чиқариш-техника базасининг (бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари, технологик жиҳозлар, тайёргарликдан ўтган ходимлар) мавжуд бўлиши;

ёнгин хавфсизлигига, автотранспорт воситасининг сақланишига, техника хавфсизлигига риоя қилишга оид талабларни бажариш;

фақат тегишли ҳужжатлари (эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, тақдим этилган автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки автомототранспорт воситаси мазкур шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) мавжуд бўлган автомототранспорт воситаси эгаларига хизмат кўрсатиш;

гувоҳномада кўрсатилган доирада тегишли ҳаракатни бажариш ва (ёки) белгиланган фаолиятни амалга ошириш.

### **3-боб. Гувоҳнома бериш тартиби**

8. Гувоҳнома ЙҲҲББ томонидан мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ 1 йил муддатга берилади.

9. Гувоҳнома олиш учун тадбиркорлик субъекти ЙҲҲББга қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда гувоҳнома бериш тўғрисида ариза;

тегишли ташкилот стандартининг ( $T_s$ ) нусхаси;

намуналарнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган қабул синов далолатномасининг нусхаси.

Автортранспорт воситаларига газ баллон жиҳозларини ўрнатиш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти автотранспорт воситасининг алоҳида моделлари конструкциясининг техник лойиҳаси нусхасини ҳам тақдим этади. ДИҲҲББ мазкур хатбошида кўрсатилган ҳужжатга қўшимча равишда тегишли органлардан қуидаги ҳужжатларни мустақил равишда сўраб олади:

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан берилган баллонларни техник текшириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳукуқини берувчи рухсатноманинг нусхаси;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан берилган газ баллон ускуналари уланмаларининг герметиклиги ва ишончлилигини синовдан ўтказиш бўйича лабораториянинг аккредитация гувоҳномаси нусхаси.

10. Мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган аризада қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак: тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳукуқий шакли; жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари, шунингдек мазкур тадбиркорлик субъекти бажаришни ёки амалга оширишни мўлжаллаётган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият.

11. Мурожаат этувчидан мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Гувоҳнома олиш учун зарур маълумотлар ЙҲҲББ томонидан унинг Интернет бутунжаҳон тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

13. Гувоҳнома олиш учун зарур ҳужжатлар ЙҲҲББга мурожаат этувчи томонидан бевосита, почта алоқаси воситасида ёки мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

14. Гувоҳнома олиш учун ЙҲҲББга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, мазкур рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана ҳақида белги қўйган ҳолда дарҳол мурожаат этувчига берилади (юборилади).

15. ЙҲҲББ аризани мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади.

16. Тадбиркорлик субъектиниң аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини баҳолаш тақдим этилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади, шунингдек гувоҳнома бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор ЙҲҲББ томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

17. Тадбиркорлик субъектига гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда ЙҲҲББ раҳбари мазкур Низомга З-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштириладиган ва ЙҲҲББнинг муҳри билан тасдиқланадиган гувоҳномани имзолайди.

18. ЙҲҲББ ушбу қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда мурожаат этувчига (тадбиркорлик субъектига) гувоҳномани беради (юборади) ёки уни ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қиласи.

19. ЙҲҲББ берилган гувоҳномалар реестрини Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда юритади, шунингдек уни ўзининг Интернет бутунжаҳон тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Берилган гувоҳномалар реестридаги маълумотлар барча фойдаланиши учун очик ҳисобланади.

20. Гувоҳнома бериш қуидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

мурожаат этувчи томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

мурожаат этувчи томонидан рухсат этувчи талаблар ва шартларга риоя этилмаслиги;

мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузуб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектиниң аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини ўрганиш ва баҳолаш натижаларига кўра тайёрланган, ЙҲҲББнинг асосланган салбий хулосаси.

Гувоҳнома беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

21. Гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда мурожаат этувчига ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда рад этиш сабаблари, қонун хужжатларининг аниқ нормалари ва мурожаат этувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, такроран мурожаат қилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган рад этиш ҳақида хабарнома юборилади (берилади).

Рад этиш ҳақида ёзма хабарнома олгандан кейин мурожаат этувчи бир ой муддатда рад этиш сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли.

22. Гувоҳнома беришда рад учун асос бўлган сабаблар мурожаат этувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш, гувоҳнома бериш ёки унинг берилишини рад этиш ЙҲҲББ томонидан мурожаат этувчининг рад этиш сабабларини бартараф этганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

23. Хужжатларни такроран кўриб чиқишида ЙҲҲББ томонидан мурожаат этувчига аввал ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён этилмаган рад этиш сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

24. Мазкур Низомнинг 21-бандидаги кўрсатилган муддат тугагандан кейин берилган тақрорий ариза янги берилган ҳисобланади ва ЙҲҲББ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

25. Мурожаат этувчи гувоҳнома бериш рад этилганлиги, шунингдек ЙҲҲББ мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

#### **4-боб. Рухсатнома бериш тартиби**

26. Рухсатнома ЙҲҲББ томонидан мазкур Низомга 4-иловадаги схемага мувофиқ 1 йил муддатга берилади.

27. Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома тадбиркорлик субъектига автомототранспорт воситаси эгасининг (юридик ёки жисмоний шахснинг) қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда мазкур Низомга тегишли равишда 5 ва 6-иловаларга мувофиқ шаклларда бериладиган аризаларига асосан берилади:

эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси –жисмоний шахслар учун (фуқаролик паспорти, 16 ёшга тўлмаганлар учун – туғилганлик ҳақида гувоҳнома, ҳарбий хизматчилар учун – ҳарбий қисм ва ҳарбий муассаса қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий гувоҳнома (ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий гувоҳномалари бундан мустасно), чет эл фуқаролари учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки чет эл фуқаросининг ички ишлар органлари томонидан доимий ёки вақтинча яшаш жойи ҳақида белги кўйилган миллий паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси);

автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси (техник паспорт, техник талон) ёки автомототранспорт воситасининг мазкур эгага тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа хужжат нусхаси.

Автомототранспорт воситасини қайта жихозлаш учун тадбиркорлик субъектини танлаш унинг эгаси томонидан амалга оширилиши мумкин, бу ҳақда аризада кўрсатилади.

28. Мурожаат этувчидан мазкур Низомнинг 27-бандида назарда тутилмаган бошқа хужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

29. Рухсатнома олиш учун зарур маълумотлар ЙҲҲББ томонидан унинг Интернет бутунжаҳон тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

30. Рухсатнома олиш учун зарур хужжатлар ЙҲҲББга мурожаат этувчи томонидан бевосита, почта алоқаси воситасида ёки мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

31. Рухсатнома олиш учун ЙҲҲББга тақдим этилган хужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, мазкур рўйхат хужжатлар қабул қилинган сана ҳақида белги қўйган ҳолда дарҳол мурожаат этувчига берилади (юборилади).

32. ЙҲҲББ аризани мазкур Низомнинг 27-бандида назарда тутилган хужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади.

33. Тадбиркорлик субъектининг аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини баҳолаш (аризада кўрсатилган ҳолларда), шунингдек рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ЙҲҲББ томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

34. Тадбиркорлик субъектига рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда ЙҲҲББ ушбу қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда:

мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда рухсатнома расмийлаштиради;

тадбиркорлик субъектига рухсатнома беради (юборади) ёки уни ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қиласи;

автомототранспорт воситаси эгасини ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қиласи;

қайта жихозлаш ўтказилгандан кейин қайта рўйхатдан ўтказиш учун мазкур автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги худудий бошқармаларига рухсатноманинг нусхасини юборади.

35. Рухсатнома бериш қуидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

мурожаат этувчи томонидан мазкур Низомнинг 27-бандида назарда тутилган хужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат этувчи талаблар ва шартларга риоя этилмаслиги;

мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

мазкур Низомнинг 33-бандига мувофиқ тайёрланган тадбиркорлик субъектининг аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини баҳолаш натижаларига кўра тайёрланган, ЙХХБнинг асосланган салбий хулосаси.

Рухсатнома беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

36. Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда мурожаат этувчига ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда рад этиш сабаблари, конун хужжатларининг аниқ нормалари ва мурожаат этувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, такроран мурожаат қилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган рад этиш ҳақида хабарнома юборилади (берилади).

Рухсатнома беришни рад этиш ҳақида ёзма хабарнома олгандан кейин мурожаат этувчи ўн кун муддатда рад этиш сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли.

37. Рухсатнома беришда рад учун асос бўлган сабаблар мурожаат этувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки унинг берилишини рад этиш ЙХХБ томонидан мурожаат этувчининг рад этиш сабабларини бартараф этганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

38. Хужжатларни такроран кўриб чиқишида ЙХХБ томонидан мурожаат этувчига аввал ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён этилмаган рад этиш сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

39. Мазкур Низомнинг 36-бандида кўрсатилган муддат тугагандан кейин берилган такрорий ариза янги берилган ҳисобланади ва ЙХХБ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

40. Мурожаат этувчи рухсатнома бериш рад этилганлиги, шунингдек ЙХХБ мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

#### **5-боб. Гувоҳнома ва рухсатномани қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, дубликатини бериш**

41. Тадбиркорлик субъекти – юридик шаҳс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолларда тадбиркорлик субъекти ёки унинг хуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган кундан бошлаб етти иш куни ичida, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда гувоҳнома ёки рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ЙХХБга ариза бериши шарт.

Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг унга берилган гувохномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият жойи ўзгарган ҳолларда тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган кундан бошлаб етти иш қуни ичидан кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда гувохнома ёки рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ЙҲҲБГа ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар мурожаат этувчи томонидан ЙҲҲБГа бевосита, почта алоқаси воситасида ёки электрон шаклда уларнинг қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Мурожаат этувчидан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

42. Гувохнома ёки рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш ЙҲҲБ томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда гувохнома ёки рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза қабул қилинган кундан бошлаб беш иш қуни ичидан амалга оширилади. Гувохномани қайта расмийлаштиришда ЙҲҲБ берилган гувохномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

43. Гувохнома қайта расмийлаштирилгунга қадар гувохномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳукуқи вориси (меросхўри) аризада кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни гувохномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, ЙҲҲБнинг ариза қабул қилинган сана тўғрисидаги белгиси қўйилган аризаси асосида бажаради ёки амалга оширади.

44. Гувохноманинг амал қилиш муддати тадбиркорлик субъектининг мурожаатига асосан узайтирилади. Гувохноманинг амал қилиш муддатини узайтириш уни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

45. Гувохнома ёки рухсатнома йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган тақдирда мурожаат этувчининг мурожаати асосида (гувохнома ва рухсатнома яроқсиз ҳолга келган тақдирда унинг асли илова қилинган ҳолда) уларнинг дубликати берилади. ЙҲҲБ ариза қабул қилинган кундан бошлаб беш иш қунидан ортиқ бўлмаган муддатда гувохнома ёки рухсатноманинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

46. Тадбиркорлик субъекти ўзи томонидан қайта жиҳозланган автомототранспорт воситаси эгасига қайта жиҳозлаш амалга оширилганлиги ҳақида ёзув киритилган, гувохнома нусхасининг тартиб рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда гувохнома нусхасини беради.

Мазкур гувохнома нусхаси тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси томонидан имзоланади, унинг муҳри билан тасдиқланади ва қайта жиҳозланган автомототранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун асос ҳисобланади.

47. Аризани кўриб чиқиши, гувохнома ва рухсатномани бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликатини бериш учун йигим ундирилмайди.

48. Гувохнома ва рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома олиш  
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Мурожаат этувчи (тадбиркорлик субъекти)	Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган хужжатларни Низомнинг 9-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофик тайёрлайди ва уларни ЙҲҲББга бевосита, поча алоқаси воситалари ёки мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдикланган электрон шаклда тақдим этади.	Мурожаат этувчининг хоҳишига кўра
ЙҲҲББ	<ol style="list-style-type: none"><li>Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган хужжатларни Низомнинг 9-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофик бевосита мурожаат этувчидан, поча алоқаси воситалари ёки электрон шаклда рўйхат бўйича қабул килади ва у хужжатлар қабул килинган сана кўрсатилган ҳолда дарҳол мурожаат этувчига берилади (юборилади).</li><li>Тақдим этилган хужжатларни ўрганиш натижасида гувоҳнома бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш ҳакида раҳбариятга таклиф тайёрлайди.</li><li>ЙҲҲББ бошлиғи гувоҳномани имзолайди ва у ЙҲҲББнинг гербли муҳри билан тасдикланади.</li><li>Мурожаат этувчига гувоҳномани бериш (юбориш) ёки уни беришни рад этиш тўғрисида ёзма равишда хабар беради.</li><li>Гувоҳнома берилишини рад этиш ҳакида қарор қабул қилинган тақдирда, рад ҳакидаги хабарнома мурожаат этувчига ёзма равишда рад этиш сабаблари, конун хужжатларининг аник нормалари, мурожаат этувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этган тақдирда хужжатларнинг тақроран кўриб чиқилиши учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (тақдим этилади).</li></ol>	Хужжатлар қабул қилинган кунда  Ўн беш иш куни мобайнида  Қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай
Мурожаат этувчи (тадбиркорлик субъекти)  ЙҲҲББ	Мурожаат этувчи гувоҳнома беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, хужжатлар тақроран кўриб чиқиш учун ЙҲҲББга ариза киритади.  ЙҲҲББ рад этиш сабаблари бартараф этилгани ҳакидаги ариза ва улар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан бошлаб, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни қайта кўриб чиқади ва гувоҳнома бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қилади.  Низомнинг 21-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг қайта кўриб чиқиш учун киритилган ариза қайта тақдим этилган хисобланади ва ЙҲҲББ ушбу аризани умуний асосларда кўриб чиқади.	Рад жавобини олгандан сўнг бир ой мобайнида  Аризани қабул қилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида

Автомотранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талаабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси бошлиғига

**Автомотранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талаабларига  
мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома бериш тўғрисида**

**АРИЗА**

га гувоҳнома беришингизни сўрайман

( ташкилот стандартига асосан фаолият предмети-Ts)

Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

---

---

---

(Автомотранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати  
хавфсизлиги талаабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автотранспорт воситасини қайta  
жиҳозлашга руҳсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига мувофик)

Рахбар

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

**Изоҳ.** Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта  
манзили) ва ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда фирма бланкасида; жисмоний шахс бўлган  
тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи  
ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга ошироқчи бўлган ҳаракат ва  
(ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА № \_\_\_\_\_**

1. Берилди \_\_\_\_\_  
(тадбиркорлик субъектиning номи ва почта манзили)
2. Ишлаб чиқариш участкалари манзили \_\_\_\_\_
3. Стандартни ишлаб чиқувчи ташкилотнинг номи ва почта манзили  
(Ts) \_\_\_\_\_
4. Транспорт воситасининг фаолият тури, маркаси ва тури \_\_\_\_\_
5. Амал қилиш муддати 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ гача

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси бошлиғи

\_\_\_\_\_  
(имзо)  
М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми.)

20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_.

6. Гувоҳнома нусхаси \_\_\_\_ -сон

7. \_\_\_\_\_ транспорт воситаси қайта жиҳозланди.

\_\_\_\_\_  
(транспорт воситасининг маркаси, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси)

Тадбиркорлик субъектиning  
mansabдор шахси

\_\_\_\_\_  
(Имзо)  
М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми.)

20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_.

**Изоҳ.**

1. 1, 2, 3, 4 ва 5-бандлар ЙХХББ томонидан, 6 ва 7-бағдлар эса – тадбиркорлик субъекти томонидан тўлдирилади.

2. Автотранспортни қайта жиҳозлаш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти, гувоҳнома асосида қайта жиҳозланган транспорт воситасининг эгасига мазкур гувоҳноманинг кўчирма нусхасини қайта жиҳозланганлиги тўғрисидаги ёзув киритган ҳолда, кўчирма нусханинг тартиб раками ва қайта жиҳозланган транспорт эгасига тақдим этилган санани кўрсатган ҳолда тақдим этилади. Мазкур гувоҳноманинг кўчирма нусхаси тадбиркорлик субъектиning мансабдор шахси томонидан имзоланади, муҳри билан тасдиқланади ва қайта жиҳозланган автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ЙХХББ органларида конунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш учун асос бўлади.

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

## Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Ариза берувчи (автомототранспорт воситасининг эгаси)	Рухсатнома олиш учун зарур бўлган хужжатларни Низомнинг 27-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофик тайёрлайди ва уларни бевосита ЙҲҲББга, почта алоқаси воситалари ёки мурожаат этувчининг электрон ракамли имзоси билин тасдиқланган электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг ҳохишига кўра
ЙҲҲББ	<ol style="list-style-type: none"><li>Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган хужжатларни Низомнинг 27-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофик бевосита мурожаат этувчидан, почта алоқаси воситалари ёки электрон шаклда рўйхат бўйича қабул қиласи ва у хужжатлар қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда дарҳол мурожаат этувчига берилади (юборилади).</li><li>Тақдим этилган хужжатларни ўрганиш натижасида рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш ҳакида раҳбариятга тақлиф тайёрлайди.</li><li>ЙҲҲББ бошлиғи рухсатномани имзолайди.</li><li>Тадбиркорлик субъектига рухсатномани беради (юборади) ва бу ҳакда мурожаат этувчига ҳам маълум қиласи.</li><li>Рухсатнома берилишини рад этиш ҳакида қарор қабул қилинган тақдирда, рад ҳакидаги хабарнома мурожаат этувчига ёзма равишда рад этиш сабаблари, қонун хужжатларининг аник нормалари кўрсатилган ҳолда юборилади (тақдим этилади).</li></ol>	Хужжатлар қабул қилинган кунда  Ўн беш иш куни мобайнида.  Қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай
Ариза берувчи (автомототранспорт воситасининг эгаси)	Ариза берувчи рухсатнома беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, хужжатлар тақроран кўриб чиқиш учун ЙҲҲББга ариза киритади. ЙҲҲББ рад этиш сабаблари бартараф этилгани ҳакидаги ариза ва улар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан бошлаб, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни қайта кўриб чиқади ва рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қиласи. Кўрсатилган муддат тугагандан сўнг киритилган ариза қайта тақдим этилган ҳисобланади ва ЙҲҲББ ушбу аризани умумий асосларда кўриб чиқади.	Хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида
ЙҲҲББ		Ўн иш куни мобайнида.
Ариза берувчи (автомототранспорт воситасининг эгаси)	Ариза берувчи, рухсатнома бериш тўғрисидаги қарор ҳакида хабарнома олган тақдирда, рухсатномада кўрсатилган тадбиркорлик субъектига автомототранспорт воситасини бир марталик қайта жиҳозлашни амалга ошириш учун мурожаат қиласи	Рухсатноманинг амал қилиш муддати мобайнида
Тадбиркорлик субъекти	Тадбиркорлик субъекти аризачининг автомототранспорт воситасида шартнома асосида қайта жиҳозлашни амалга oshiради ва автомототранспорт воситасини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида қайта рўйхатдан ўтказиш учун тегишли хужжатлар тақдим этади.	Шартномага асосан
Ариза берувчи (автомототранспорт воситасининг эгаси)	Қайта жиҳозлашни амалга оширганинан сўнг аризачи қайта жиҳозланган автомототранспорт воситасини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига қонунчиликда белгиланган тартибида тегишли хужжатларни тақдим этади.	Қайта жиҳозлашдан сўнг 10 кун мобайнида

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси бошлиғига

**Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тўғрисида  
АРИЗА**

га рухсат беришингизни сўрайман

( қайта жиҳозлаш тури, маркаси, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, қайта  
жиҳозлашни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектининг номи ва жойлашган манзили)

Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

---

---

---

(Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 27-банди талабларига мувофиқ)

Рахбар

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми.)

**Изоҳ.** Ариза юридик шахс – транспорт эгаси томонидан фирма бланкасида номи,  
жойлашган жойи (почтa манзили) ва ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган ҳолда  
тўлдирилади.

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
б-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси бошлиғига  
дан  
(аризачининг фамилияси,  
исми, отасининг исми)

аризачининг почта манзили: \_\_\_\_\_

телефон рақами: \_\_\_\_\_

**Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
рухсатнома бериш тўғрисида  
АРИЗА**

га рухсатнома беришингизни сўрайман

(қайта жиҳозлаш тури, маркаси, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, қайта  
жиҳозлашни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектининг номи ва жойлашув манзили)

Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

\_\_\_\_\_

(Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома  
бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 27-банди талабларига мувофик)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми.)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил.

**Изоҳ.** Ариза жисмоний шахс томонидан фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини  
тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Автомототранспорт воситаси конструкциясининг  
ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувохнома  
ва автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга  
руҳсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
7-илова

## Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга РУҲСАТНОМА

Берилди \_\_\_\_\_

(тадбиркорлик субъекти-юридик шахснинг номи, жойлашган манзили (почта манзили) ва  
ташкилий-хуқуқий шакли; тадбиркорлик субъекти-жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг  
исми, шахсини тасдиқловчи хужжат маълумотлари)

автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш учун

(транспорт воситаси маркаси, тури ва рўйхатдан ўtkазиш давлат рақами белгиси)

Транспорт воситасининг эгаси \_\_\_\_\_

(юридик шахснинг номи, жойлашган манзили (почта манзили) ва ташкилий-хуқуқий шакли;  
жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсни тасдиқловчи хужжат  
маълумотлари)

Қайта жиҳозлаш тури \_\_\_\_\_

Алоҳида шароит ва талаблари \_\_\_\_\_

Амал қилиш муддати: 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ гача

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бosh бошқармаси бошлиги

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Изоҳ. Мазкур руҳсатнома шакли Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ бланкасида тўлдирилади,  
руҳсатноманинг кўчирма нусхаси траспорт воситаси эгасига хабарнома тариқасида,  
автомототранспорт воситаси қайта жиҳозлангандан сўнг уни қайта рўйхатга олишни расмийлаштириш  
учун ҳамда тегишлилиги бўйича транспорт воситаси рўйхатга олинган Қорақалпоғистон  
Республикаси ИИВга, Тошкент шаҳар ИИБГа ва вилоятлар ИИБГа юборилади.